

Fazliddin RAVSHANOV,

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,
Associate Doctor of Political Sciences docent of the Social
Sciences and Humanities chair. f.ravshanov@iia.uz.
11, A. Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

РАҲБАР КАДРЛАР ТАНЛАШ ТИЗИМИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ

ЭТАПЫ ИСТОРИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ СИСТЕМЫ ПОДБОРА РУКОВОДЯЩИХ КАДРОВ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

STAGES OF HISTORICAL DEVELOPMENT OF THE SYSTEM OF SELECTION OF LEADING PERSONNEL IN CENTRAL ASIA

Калит иборалар: давлат ва жамият бошқаруви, раҳбар кадрлар танлаш мезонлари, кадрлар танлашнинг ҳуқуқий асослари, кадрлар танлашда дин омили, бошқарув талаблари, амалдорликка қўйиладиган талаблар тизими, бошқарувга оид тарихий тажрибалар, бошқарувни ташкил этишнинг зардуштийлик ва ислом анъаналари, тарихий бошқарув жараёнлари, ислом ва бошқарувнинг тарихий ечимлари.

Ключевые слова: управление государством и обществом, критерии отбора персонала, правовые основы отбора персонала, религиозные факторы в подборе персонала, требования к управлению, система требований, практика исторического управления, зороастризм и исламские традиции, историческое управление, ислам и исторические управленческие решения.

Keywords: state and society management, personnel selection criteria, legal principles of personnel selection, religious factors in staff selection, management requirements, requirements system, historical management practice, Zoroastrianism and Islamic traditions, historical management, Islam and historical management decisions.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат ва жамият бошқаруви эрамиздан аввалги учинчи минг йиллик ўрталарида шаклланганлигини ҳисобга олсак, халқимиз давлатчилик масаласида жуда катта тарих ва тажрибага эгалиги ойдинлашади. Ўша даврлардаёқ ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида Хоразм, Бақтрия, Суғдиёна, Марғиёна, Парфия каби мустақил давлатлар бўлганлигининг қайд этилиши фикримизнинг далилидир [Сағдуллаев А., 2006].

Тарихчи олимларнинг гувоҳлик беришича, қадимги Марказий Осиё давлатлари нафақат ҳудудий жиҳатдан қўшни, балки давлат тузуми ҳамда бо-

шқарув тизимининг мазмуни ва шакли жиҳатидан бир-бирларига ўхшашлик характери касб этганлар [Сағдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норқулов Н. 2000]. Профессор А.Сағдуллаев «Авесто»да қўлланилган давлат ва жамият бошқаруви мансабдорларини ифодаловчи атамалар воситасида ўша даврлардаги давлат бошқаруви иерархиясини куйидагича белгилайди: уй-қўрғон раҳбари (нманопати) > қишлоқ жамоаси раҳбари (виспати) > туман – бир неча қишлоқ жамоалари раҳбар(лар) и кенгаши (ханжамана) > вилоят – бир неча туман раҳбари (дахъюпати) > мамлакат раҳбари (кави) [Сағдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норқулов Н. 2000;6.]. «Авесто»да давлат мансабдорларини тайинлашни сайловлар воситасида амалга оширишга даъват қилинганлигига эътибор берсак, давлатчилигимиз тарихининг илк босқичларидаёқ раҳбар кадрларни танлашнинг халқчил усуллари қўлланилганлигига гувоҳ бўламиз.

«Авесто»дан яна шуни кузатиш мумкинки, давлат ва маҳаллий мансабдорларни танлаш, тайинлаш ва сайлашда дин пешволарининг ҳам ўрни юқори бўлган. Ўша даврларда «Авесто» давлат ва жамият ҳаётини ташкил этиш қонунларини ўзида мужассамлаштирган қўлланма бўлганлиги учун ҳам бу қонунлар ижросини назорат қилувчи дин пешволарининг мақомлари юқори бўлган. «Авесто»нинг «Вандидод»лар бўлимида мужассамлашган давлат ва жамиятни бошқариш тартиботи, жиноятни жазолаш, яхшиликка мукофот бериш каби қоидаларни давлат ҳокимиятига ёки жамоа бошқарувига тайинланадиган номзодларнинг ёддан билиши талаб этилган [Авесто, 2001; 106-165.]. Шунингдек, «Вандидод»нинг «фаргард»ларидан бирида айтилган мурожаатда шундай дейилади: «Рухонийлар ушбу варжованд мансарасини (илоҳий калом талабларини) одамларга ўргатсинлар» [Авесто, 2001; 115.]. Унинг «Мансур яштар» бўлимида эса «эзгу фикрли, эзгу сўзли, эзгу амалли, эзгу динли» бўлиш ва унга бериладиган мукофотлар ҳақида қоидалар ифодаланади [Авесто, 2001; 277.]. «Гоҳ», «Ясна» бўлимларида эса асосан мамлакатни ва қабилалар иттифокларини бошқарган қатор шахслар таърифланиб, уларга Худо томонидан эҳсон қилинган қўплаб хислатлар (қобилият), ундан ташқари бу ҳукмдорларнинг ўзида (тажриба орқали) мужассам бўлган фазилатлар келтирилади. Кўриниб турибдики, раҳбар шахсларга яратувчи инъом этган хусусиятлардан ташқари уларнинг ўзида ҳам раҳбарлик фазилатларининг мавжуд бўлиши талаб этилган [Авесто, 2001; 105.]. Шунингдек, «Авесто»да раҳбарлик ва мансабларнинг ворисийлиги масалаларига доир қоидалар ҳам учрайди. Умуман, «Авесто»да раҳбарликка қўйилган бош талаблар

Мақола давлат бошқаруви, унинг ташкилий тизими, рахбар кадрлар, уларни сайлаш, танлаш ва тайинлаш масалаларига оид Ўрта Осиё тарихий тажрибаларини тадқиқ этишга қаратилган. Бу соҳадаги маълумотларни эътиборга олган ҳолда муаллиф давлат ва жамият бошқаруви рахбарлар танлаш тизимига оид миллий анъаналар ва кадрларнинг шаклланиш ва ривожланишининг асосий эволюцион босқичларини шартли равишда бешта даврга бўлади: биринчи – қадим замонлардан VIII асрга қадар бўлган давр – давлат бошқаруви ва бошқарув тизимига рахбарлар ва мансабдорларни танлашнинг амалий жиҳатдан шаклланиши даври; иккинчи – IX – XVI асрлар – давлат бошқаруви ва бошқарув тизимига рахбар ва мансабдорларни танлаш миллий тизимининг ривожланиши, юксалиши ва бу соҳага доир илмий назариялар ҳамда таълимотларнинг юзага келиш даври; учинчи – XVII асрдан XX асрнинг биринчи чорагигача – давлат бошқаруви рахбарлар ва мансабдорлар танлаш миллий тизимининг турғунлик ва таназзулга юз тутиши даври; тўртинчи – XX аср – 1925–1990 йиллар – давлат бошқаруви рахбар кадрлар танлашнинг коммунистик тоталитар усулларига ўтилиши ва миллий тизимнинг бутунлай инкор этилиши даври; бешинчи – XX аср охири XXI аср – миллий мустақиллик шароитида рахбар кадрлар танлаш ва тайёрлаш миллий илдишларининг тикланиши ва жаҳон тажрибалари билан бойитилиши даври.

Статья посвящена изучению исторического опыта Центральной Азии по вопросам государственного управления, его организационной системы, руководящих работников, их выборов, отбора и назначения. Принимая во внимание информативность в этой области, автор в статье представляет основные этапы эволюции становления и развития национальных традиций и ценностей в системе подбора глав органов государственного и общественного управления. В статье рассматриваются следующие пять этапов эволюции в хронологическом порядке используя структурно-функциональный метод, а также сравнительный анализ: первый - период с древней истории до VIII века – время практического воплощения руководящих кадров и чиновников; второй – IX–XVI вв. – период развития, становления и развития национальной системы подбора руководителей и должностных лиц в системе государственного управления, а также появление научных теорий и доктрин в этой области; третий – с 17 по первую половину 20 века – период спада и рецессии в национальной системе отбора руководителей и должностных лиц в государственном управлении; четвертый – 20 век – 1925–1990 годы – период перехода к коммунистическим тоталитарным методам отбора руководящих кадров и тотального отказа от национальной системы; пятый – конец 20-го века – период возрождения национальных корней и обогащения мировым опытом системы по отбору и обучению руководителей в условиях национальной независимости.

The article is devoted to the study of the historical experience of Central Asia on issues of public administration, its organizational system, leading employees, their vibrators, selection and appointment. Taking into account information in this area, the author presents the main stages of the evolution of the formation and development of national traditions and values in the system of selection of heads of government and public administration. The article considers the following five stages of estorical evolution in chronological order using the structural and functional method, as well as comparative analysis: the first is the period from ancient history to the VIII century - the time for the practical implementation of leading cadres and officials; the second - IX–XVI centuries. - the period of development, formation and development of the national system of selection of leaders and officials in the public administration system, as well as the emergence of scientific theories and doctrines in this area; the third - from the 17th to the first half of the 20th century - the period of recession and recession in the national system of selection of leaders and officials in public administration; the fourth - the 20th century - 1925–1990 - the period of transition to communist totalitarian methods of selecting leading cadres and total rejection of the national system; Fifth - the end of the 20th century - the period of the revival of national roots and enrichment with world experience of the system for the selection and training of leaders in conditions of national independence.

куйидагича намоён бўлади: жамиятнинг тўртта тоифаси (харбийлар, деҳқон ва чорвадорлар, косиблар ва хунармандлар, диндорлар ва савдогарлар) дан бирига мансублик ва улар орасида обрў-этибор қозонганлик; шахс характерида илохий тўрт унсурнинг мавжудлиги ва шахснинг уларни жиловлай олиши.

Мисол учун сўнгги талабдаги эътиборли жиҳатлардан бири шундаки, зардуштийликда сув, тупроқ, ўт, ҳаво илохийлаштирилган экан, дунёга келадиган инсонларда албатта уларнинг хусусиятлари мавжуд бўлади, деб қаралган. Бунда сувнинг бекарорлиги, тупроқнинг ўта камтарлиги, ўтнинг қаҳри ва ҳавонинг енгиллиги эътиборга олинган. Тасаввурга кўра инсон улғайиши жараёнида уларнинг бири етакчи характерга айланади ва инсон-

нинг вазифаси ўз руҳиятидаги ана шу тўрт хусусиятни мувозанатлаштиришдан иборат, деб билинган. Бошқарувга номзодлар мана шу мувозанатга кўра белгиланган. Оқсоқолликка, улар кенгашига, ҳудудлар ҳукмдорлари кенгашига тўрт унсурга хос характерда мувозанатга эришган, деб қаралган номзодларни танлаб олишга ҳаракат қилганлар. Бундай шахсларни аҳолининг мана шу тўрт унсурга тегишли ҳисобланган тўрт тоифаси – чорвадор-деҳқонлар (унсури тупроқ), косиб-хунармандлар (унсури ҳаво), қўриқчи-харбийлар (унсури олов), руҳоний-савдогарлар (унсури ҳаво) орасидан танлаб олишган ва кенгашларда ҳар бир гуруҳ масалаларининг ўз тоифасига доир жиҳатлари бора-сида фикр билдирганлар (таққослаш учун: чорвадор-деҳқонлар (унсури тупроқ) – *ағрар соҳа*, ко-

сиб-хунармандлар (унсури ҳаво) – *саноат соҳаси*, қўриқчи-ҳарбийлар (унсури олов) – *ҳарбий, ҳуқуқ тартибот соҳаси*, руҳоний-савдогарлар (унсури ҳаво) – *ҳокимият ва бошқарув соҳалари*). Мазкур хусусиятлар кейинчалик Ғарб олимлари томонидан ўрганилиб, сангвиник, халерик, миланхолик, флегматик шаклларда ифодаланган инсон темпераментлари тадқиқ этилган эди.

«Авесто» қоидалари асосида амал қилиб келинган бошқарувчилар – раҳбарлар танлаш ва тайинлаш тартиблари Александр Македонский босқинидан сўнг бузила бошлаган. Абу Райҳон Берунийнинг хабар беришича, «Искандар оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни куйдириб юборди. Шунинг учун ўша вақтдан бери Абестонинг бешдан учи йўқолиб кетди» [Абу Райҳон Беруний, 1968;238.].

Ана шу даврлардан бошлаб бошқарув ишлари, шунингдек, бошқарув учун раҳбарлар танлаш лидерлик асосида эмас, ҳарбий маъмурчилик усуллари асосида ҳал қилина бошлади. Александр Македонский истилосидан сўнг кўп ўтмай Марказий Осиё ҳудудларида бирин-кетин вужудга келган Савлакийлар, Юнон-Бактрия, Кушонийлар, Қанғлар, Давон, Хоразм ва Турк ҳоконликлари давлатларида ҳам бошқарувнинг ҳарбий-маъмурий усулларига ўтилди [Бобоев Х. 2001].

Л.Н.Гумилёвнинг «Қадимги турклар» асарида келтирилишича IV–VIII асрларда туркий халқларда бошқарув тизимига раҳбарлар танлаш асосан икки умумий йўналишда амалга оширилган.

Биринчи йўналиш – IV–VI асрнинг биринчи ярмига тўғри келиб, бу даврда раҳбарлар танлаш уруғ-қабилачилик ва ворисийлик анъаналарига мувофиқ амалга оширилган. Масалан, энг куйи раҳбарлик лавозими бўлган уруғ оқсоқоллигига ўша уруғ аъзолари йиғилиши, қabila бошлиқлиги эса бир қанча уруғларни ўзида бирлаштирган қабилалар кенгаши томонидан сайлаб қўйилган. Қоидага биноан, уруғ жамоаси энг билимли, энг жасур ва баъзи ҳолларда эса энг бадавлат вакиллари ўзларига оқсоқол этиб сайлаганлар. Бу раҳбарлик сулолавий мерос бўлмаган. Агар номзод бадавлат бўлиб, билимсиз, қўрқоқ бўлса ёки жасур, лекин билимсиз бўлса оқсоқолликка сайланмаган. Бу қабилалар номзод кўпинча оқсоқол ижрочилари қаторидан жой олган. Шунингдек, қабилалар даражасидаги бирлашмаларга раҳбар танлашда ворисийлик қоидаларига ҳам амал қилинган. Қабилалар бошлиқлари ҳам уруғ оқсоқоллари танланган усуллар асосида сайланганлар ёки тайинланганлар.

Иккинчи йўналиш – VI аср ўрталари, аниқроғи 553 йилда турк ҳокони Буминхоннинг иккинчи ўғли Кушу Муғонхон томонидан жорий этилган раҳбар-

лар танлаш тизими бўлиб, бу тизимга амал қилиш VIII аср охирига қадар давом этди. Бу тизимни Л.Н. Гумилёв «поғонали улус тизими», деб атади [Гумилёв Л.Н.2007;65.]. Унга кўра «тахтга ворис ҳисобланган шахзодалар (жумладан, кичик ҳудудларда бекзодалар – Р.Ф.) навбат кутиб, тахтга ўтиргунга қадар ўзлари бошлиқ бўлган улусларини бошқарганлар» [Гумилёв Л.Н.2007;]. Туркий халқларнинг улкан давлат тузилмалари бўлган «Туркий ҳоконлик», «Кўк турк ҳоконлиги» даврларида давлат бошқарув характери белгилаб, қабилалар ёки қабилалар бирлашмаси бўлган улус беклигидан бошлаб то давлат бошлиғи – хон ёки ҳоконга қадар бўлган мансабларга танланишни ўзига қамраб олган эди. «Поғонали улус тизими» тахтга (жумладан, вилоят, туман, эл бекликлари лавозимларига ҳам – Р.Ф.) ворисийлик асосида ўтириш қоидасини ўрнатди. Муғонхон Низомига мувофиқ тахт отадан тўғридан-тўғри фарзандга эмас, балки акадан укага, кичик амакидан катта жиянга ўтиши қоидага кирди. Лекин баъзан сулолавий ворисийлик асосида мансаблар танлаш усули ҳам ишламай қоларди. Чунки ўша даврдаги туркий халқлар давлат бошқарувида давлат бошлиғи ёки беклар Л.Н. Гумилёвнинг фикрича, «ҳарбий демократия» асосида оддий аскарлар ёки улар мансуб уруғлар томонидан сайланар эдилар. Агар аскарлар ёки жамоа ўз раҳбарлари ёки раҳбарликка номзоддан норози бўлсалар, уни ташлаб кетишар ёхуд умуман, уни сайламас эдилар. Бу қабилалар вазиятларда баъзан маълум бир гуруҳ аскарлар ёки уларни бошқарувчи уруғ оқсоқоллари ўзаро келишиб, илгариги мансабдор ёки бек хонадонига мансуб бўлган бирор номзодни ўзларига раҳбарликка тайинлаганлар. Бироқ давлат бошлиғи ва бошқа катта мансабларга танлаш албатта катта кенгашлар воситасида ҳал этилган [Гумилёв Л.Н.; 2007].

Бу даврдаги Турк ҳоконлигидаги мансабларга танлаш тарихи Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» асарида батафсил ёритилган. Асарда илк давлат ва жамият бошқарувида мансабдорлар танлаш усуллари бир-бирларидан фаркланиб, улар қуйидагича ифодаланади: раҳбар танлашда жамоа сайлови илдизларининг юзага келиши, алоҳида жамоа ичида эса раҳбарлик масалаларида ихтилофларнинг, ўзаро келишмовчиликларнинг пайдо бўлиши, уларнинг мулк, ер-жой талашуви ва бошқа муаммолар билан боғлиқ асослари («улар зурриёди ҳамда хешларининг ҳар бири ўртасида ибратли тартиблар, эътиборга лойиқ қоидалар кўрина бошлади... То мамлакат пешволигига расму русумлари бунёдидини этарлар» [Мирзо Улуғбек, 1994; 34.]. «Абулҷахонни халқ маслаҳати савоб усуллари юзасидан тахтга ўтқазди...» [Мирзо Улуғбек, 1994;

39.] эндигина амални топшираётган ёки собиқ раҳбарнинг ёхуд яқка шахснинг эркин қарор қабул қилиши асосида янги раҳбар тайинланиши [Мирзо Улуғбек, 1994; 23-24.] раҳбар танлаш масаласида уруғ, қабила, аймақлар қарорлари ва ҳаракатлари, географик шарт-шароит, аҳолининг жойлашув ўрни, табиий муҳит талабларининг ҳисобга олиниши бошлаши [Мирзо Улуғбек, 1994; 33.] раҳбар танлашнинг оилавий қарор асосида амалга оширилиши [Мирзо Улуғбек, 1994; 36-42.].

Асарда оила қарори асосида раҳбар танлашнинг икки хил усулига дуч келиш мумкин. Биринчи усул, фақат раҳбар мансуб оила вакиллари доирасининг қарорига мувофиқ танлаш ва иккинчиси, икки овозли, яъни бошқарувчи оила ва бошқарувчи сулола вакиллариининг яқдил ҳулосасига кўра танлаш. Масалан, Қорахоннинг ворисий раҳбарликка танланиши оила қарори асосида амалга оширилди. Туркхон эса иккинчи усул – оила ва сулоланинг яқдил ҳулосасига кўра раҳбарликка танланади. «Тўрт улус тарихи» маълумотларига кўра мустақил элатларнинг пайдо бўлиши ва кўпайиб бориши билан жамият ҳаётида муҳим ўзгаришлар рўй берган, шунингдек, давлат бошқарувида мансабларга танлаш ҳам янгилаш моҳиятига эга бўлган. Унда келтирилишича, давлатчилик асослари юзага кела бошлагач, бир неча элатларни бир тизимга бириктирган иттифоқларга бир раҳбар бошчилик қилган. Буни профессор А. Сағдуллаев «қабилалар иттифоқи», деб атайдиган [Сағдуллаев, 2006; 17.]. Бу каби шарт-шароитларда раҳбар танлашнинг сулола-насабга қараб амалга ошириш усулидан ташқари раҳбар танлаш маълум бир қабила, гуруҳ, элатга мансублик билан ҳам боғлиқ бўлган. Номзодларни танлашда қайси қабила ёки элатга мансублик танлашнинг асосий белгиларидан бири бўлган. Шу жиҳатдан ёндашганда, бу каби ҳолатларни давлат бошқаруви мансабларига танлашнинг илк тизими шаклланиши сифатида баҳолаш мумкин. Шунингдек, мансабларга ворисийликдан келиб чиқиб танлашнинг бошқа усулида эса асосан насабга мансублик ва ёки шахснинг алоҳида хусусиятилари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Маълум бир қабила ёки элатга мансублик ҳам давлат бошқарувидаги мансабларга танлашда муҳим сиёсий аҳамият касб этиб борган. Айни вақтда, қавмлар ичидаги мансабларга танлашнинг сулолавий-наслий ворисийлик усули ҳам давом этган [Сағдуллаев, 2006; 41.].

Мазкур асар давлат ва унинг турли тузилмаларига раҳбарлар танлашда номзодларнинг бошқарув иерархиясида айни бир даражага эгаллиги ёки «раҳбарлик лавозимлари мақомларининг тенглиги» [Shakarov, 2018:] каби ҳолатлардан келиб чиқадиган мансабдорликка «вазиятли танлаш усу-

ли» ҳам амал қилганлиги ҳақида кенг маълумотлар беради [Мирзо Улуғбек, 1994; 30.]. Масалан, жамоа оқсоқолларининг тенг раҳбарлик қилиши; давлат мансабларига танланишда қавм, гуруҳ, жамоага мансублик; ҳарбий куч-қудратда устунликка биноан; шахснинг наслга мансублик даражаси ва насллараро аҳдлашувга кўра раҳбарликка танлаш; ўзаро низола ва фавқулодда ҳолатлар воситасида танланиш каби яна бир қатор мансабларга танланиш кўринишлари ҳақида тарихий маълумотлар учрайди. Шунингдек, Мирзо Улуғбек ўша даврларда давлат ҳукмдорлари ва мансабдорлари танланишида муҳим аҳамият касб этган раҳбарликка номзоднинг қатор шахсий сифатларини ҳам таърифлаб ўтган [Мирзо Улуғбек, 1994; 83-203.]. Шунингдек, мавзу ва шу даврга доир ана шундай маълумотларни Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» асарида ҳам кўплаб учратиш мумкин [Абулғозий, 1992; 192.].

Хуллас, илк давлатларнинг шаклланиш даврида ҳаёт кечирган турли-туман қабилалар, элатлар, уруғлар, сулолалар ҳукмдорлик ва бошқа давлат мансабларига раҳбарлар танлашда ўзларининг таъминотларига, расм-русумлари, анъаналари ва бошқа хусусиятларига эга бўлганлар. Давлат бошқарувида раҳбарликка танлаш тизимининг туркий халқларга хос бу қадимий анъаналари Марказий Осиёда VIII асргача, яъни бу минтақанинг аксарият қисми араб халифалиги таркибига киргунига қадар кенг миқёсда амалда бўлган.

VIII асрдан бошлаб Турк ҳоконлигининг шарқий ва ғарбий қисмлари ўртасида, шунингдек, ҳоконлик билан Хитой Тан империяси орасида вужудга келган зиддиятлар узлуксиз урушлар олиб борилишига сабаб бўлди. Ҳоконлик борган сари кучсизланиб, ўзига тобе давлат-вилоятларни араб босқинидан ҳимоя қила олмай қолди [Гумелёв Л.Н., 2007; 326, 396 б.]. VIII аср охирида араблар Ғарбий ҳоконлик ерларининг катта қисмини босиб олиб халифалик таркибига киритдилар ҳамда бу ерларда Мовароуннаҳр ва Хуросон ноибликларини барпо қилдилар.

Араб халифалиги ўз саркардаларини янги ҳудудларни фатҳ этиш учун йўллар экан, улардан фақат икки нарсаси – ўзга ерларда ислом динини ёйиш ва у ерларни халифаликка тобе қилишни талаб этар, қолган барча ишлар саркардалар ва кўшин ихтиёрига ҳавола этиларди [Гумелёв Л.Н., 2007; 325 б.].

Ўрта Осиё мамлакатларида араб кўшинларига қарши кўзғолонлар Мовароуннаҳр ва Хуросонга Наср ибн Сайёр нойиб этиб тайинланганидан сўнг тинчлик бошлади. «У террордан қўл тортиди ва 740 йилда омонлик эълон қилди. Ушбу омонлик шарт-

ларидан бирида Наср нафақат диний мурасага келди, балки исломдан қайтганларни тўлиқ афв этди, бинобарин, сўнгги курашлар чоғида кўплаб суғдлар оталари динига қайтган ва янги динга қилган хоинлиги учун жазодан кўрқиб, чўлда тургашлар хузурида яшириниб юришарди. Омонлик афви уларга уйларига қайтиб, янги ҳокимият билан чиқишиб кетиш имконини берди. Омонлик уруш қила олмаган ишни қилди: Суғд даштдан юз буриб, Хуросон билан юзлашди» (яъни ихтиёрий равишда исломни қабул қила бошлади – Ф.Р.) [Гумелёв Л.Н., 2007; 386 б.].

VIII–IX асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳукм сурган халифалик ноиблари, айниқса, сўнгги асрда ноиблик қилган Тоҳирийлар сулоласи бу ўлкаларни бошқаришда ўзига хос йўлдан бордилар. Дастлаб ислом динини қабул қилиб халифаликка бўйсунган аҳоли солиқлардан буткул озод этилди, улар ичидан ислом илми билан шуғулланганлар эса рағбатлантирилди. Кейинроқ эса бу ерда қадимдан амал қилинган давлат бошқаруви тизими анъаналари янгича шаклларда қайтадан тикланди. Вилоят, туман, шаҳар ва айрим ҳудудларга бўлиш ва уларнинг раҳбарларини маҳаллий аҳолидан тайинлаш йўлга қўйилди, минтақада тинчлик қарор топди, эътиқод эркинлиги эълон қилинди, бу эса исломнинг кенг ёйилиши ва маданиятнинг юксалишига олиб келди [Бобоев Х.; 69-71 б.].

Л.Н.Гумелёв, А.Мец, А.Сагдуллаев тадқиқотларида баён қилинган тарихий воқеаларни таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида Марказий Осиёда давлат бошқаруви мансабларига танлаш тизимида қуйидаги тамойиллар шаклланиб, уларга амал қилинганлигини кузатиш мумкин: давлат бошқаруви тизими ва давлат мансабларига танлаш тизимида қадимдан мавжуд бўлган маҳаллий анъаналарнинг аҳоли манфаатларига мувофиқ бўлган қисмларини сақлаб қолишга интилиш ёки уларни қайтадан тиклаш; давлат бошқаруви мансабларига танлашда шахснинг эътиқод эркинлигига даҳл қилмаслик; маҳаллий аҳолининг бой ва зиёли табақаси вакилларини ноиблик давлат бошқарув мансабларига тайинлаш; ислом динини қабул қилганлар ва исломий илмлар билан шуғулланган одамларни рағбатлантириш ва солиқлардан озод этиш; жамият тартибини сақлаш билан боғлиқ қонун-қоидаларга амал қилинишини қатъий назорат қилиш.

Профессор Н.Комилов бу даврдаги давлат бошқарув анъаналарини таҳлил этар экан, қуйидаги фикрларни билдиради: «Аббосийлар салтанати (VIII асрдан бошлаб) даврида халифалик давлати ягона тизимга (аппаратга) эга бўлиб, девон ташкил бўлди ва унинг қоидалари, тузуги юзага келди. Ха-

лифаликнинг вилоят ва ҳокимликлар билан бўладиган ёзишмалари, халифанинг амр-фармонлари, вазирлар, амирларга кўрсатмалар, ҳуллас, барча хилдаги хат-хабарлар, ёзув-чизув, расмий ҳужжатлар, давлат хазинасининг ҳисоб-китоби, солиқ ва молия ишлари девон орқали олиб борилган» [Комилов Н., 1996; 63 б.].

Халифаликнинг сўнгги ноиби бўлган Тоҳир ибн Ҳусайн 822 йилдан бошлаб Мовароуннаҳр ҳамда Хуросоннинг бир қисмини халифалик таркибидан чиқаришга эришади. У минтақада мустақил давлатчиликка асос солиб, халифаликка хос бўлган давлат бошқаруви тизимини жорий этади. Лекин тоҳирийлар давлат бошқаруви тизими халифалик тизимидан кўплаб маҳаллий унсурларга асосланиши билан фарқланган. Юқорида келтирилган давлат мансабларига танлашга доир тамойиллар тоҳирийларга ҳам мансуб бўлиб, уларни қўллаш натижасида ислом дини янада кенгроқ тарқалди, шу билан бирга, бу улкан давлат ичида кейинчалик маҳаллий халқлар янги давлатлари асосларининг шаклланишига замин яратди. IX–X асрларда қорахонийлар, уйғурлар давлатларида яшаган халқларнинг ислом динини қабул қилганлиги бунга мисол бўла олади. Шуни айтиш керакки, тоҳирийлар ҳукмронлиги даврида илм-фанга эътибор юксак даражага кўтарилди. Бу даврда Мовароуннаҳр, Хоразм ва Хуросон ҳудудларидан Муҳаммад ал-Хоразмий, Абул Аббос ал-Жавҳарий, Ибн Турк ал-Ҳутталиий, Аҳмад ал-Марвазий, Ҳомид ал-Марварудий каби мутафаккирлар етишиб чиқдилар.

Тоҳирийлардан кейинги даврларда ҳам давлат бошқаруви анъаналари тобора ривожланиб борди. Улардан сўнг бу минтақада бирин-кетин вужудга келган Сомонийлар (IX–XI асрлар), Қорахонийлар (X–XII асрлар), Ғазнавийлар, Салжуқийлар (XI–XII асрлар), Хоразмшоҳлар (XII–XIII асрлар) давлатларида давлат мансабдорларига танлаш ва тайинлаш тизими кўп жиҳатлардан Тоҳирийлар даври анъаналарига яқин бўлган. Бу ҳақда профессор Н.Комилов қуйидагиларни таъкидлайди: «Аввал тоҳирийлар, буидлар ва сомонийлар халифаликдан мустақил бўлиб ажралиб чиқдилар, кейин ғазнавийлар (тегинлар), қорахонийлар, салжуқийлар давлат ташкил этдилар. Сомонийлар давлати... аввалги сосонийлар давлати анъаналарини давом эттирдилар, давлат тузилиши, идора усули ҳам шунга мос эди ва айни вақтда халифаликда шаклланган одатлар, удумлар, қабул маросимлари, амирлик ва ҳокимлик, вазирлик ва девон тизими сақланган эди. Бу удумлар ғазнавийлар томонидан тўлиқ қабул қилинди. Қорахонийлар ва салжуқийларда янги, мустақил ва мустаҳкам давлат тиклаш ғояси,

демон усулини жорий этиш, вазирлик институтини ўрнатиб, кучли бошқарув тизимини ҳосил қилишга иштиёқ катта бўлган» [Комилов Н., 2006; 78 б.].

Эътиборли томони шундаки, мансабдорнинг кўрсатган хизматлари ва обрўси асосида янада юқори мансабларга тайинлаш ёки сайлаш энг қадимий анъаналардан бири бўлиб, у туркий ҳоконликлар учун хос бўлган. Хитой империясининг Суй ва Тан сулолалари, айниқса, кейинчалик ташкил топган араб халифалиги даврида ҳам раҳбар кадрлар танлашда бу анъана асосий тамойиллардан бирига айланди. Бу ўринда Л.Н.Гумилёвнинг фикрига қўшилган ҳолда шуни айтиш лозимки, бу давлатлар ташкил топишиданоқ маълум даражада ҳарбий демократия ривожланган ҳарбий-маъмурий тизимга асосланганлар. Бинобарин, давлат бошқарувининг асосий мансабларига ҳам ҳарбийлар вакиллари тайинланар ёки бошқарув мансаблари ҳам ҳарбийлар назорати остида бўлган. Ҳарбий иерархия бўйича юқори мансабга кўтарилишга эса жангларда кўрсатилган жасурликлар эвазига эришилди [Гумилёв Л.Н., 2007;]. Масалан, Сомонийлар давлатида шахснинг оддий аскардан лашкарбошигача кўтарилиши учун жорий қилинган танлаш ва тайинлаш тизими ва технологияси Низомулмулкнинг «Сийёсатнома» асарида Алптегин, унинг шогирди Маҳмуд Ғазнавийнинг отаси Сабуктегин мисолида батафсил тасвирланади [Низомулмулк, 1997; 107-121 б.].

Умуман, давлат мансабларига танлаш ва тайинланишнинг турли-туман усуллари ва уларнинг хусусиятларини умумлаштирганда, бу давлатларда раҳбарлар ва давлат мансабдорлигига танлаш қатъиятларини маълум даражада таснифлаш мумкин. Бу жараёнда энг кўзга ташланарлиси – давлат бошқаруви мансабларига тайинланадиган номзодларнинг куйидаги хусусиятларига аҳамият берилганидир: обрў-эътибори; ҳарбий салоҳияти; эътиборли сулолаларга алоқадорлиги ва насл-насаби; илм-фанни эгаллаганлиги; дин ва шариат арконларини яхши билиши, фикрдаги билим даражаси, диний жиҳатдан насл-насаби; иқтисодий қудрати; кучли ёки эътиборли уруғ-қабилага мансублиги.

VIII асрдан бошлаб давлат бошқаруви тизимида ислом ҳуқуқи ва шариати қоидалари кенг ўрин тута бошлади. Марказий Осиёда араб халифалиги ўрнатилган вақтидан бошлаб жамият тартибини Қуръон ва ҳадислар асосида ташкил этиш қоидага кирди. Марказий Осиёда ислом динини қабул қилганларнинг сони кўпая бориши ва давлат бошқарувининг узлуксиз тарзда мусулмонлар қўлида бўлиши давлат бошқарувида ислом дини ақидаларининг аҳамиятини оширди. Айни вақтда, давлат бошқаруви ҳамда ҳаётдаги ижтимоий тартиб-қо-

идаларини янада мукаммаллаштириш эҳтиёжлари пайдо бўлди. Бунга ислом динида инсонларни тенг ҳуқуқли эканлигининг эълон қилганлиги ҳам муҳим роль ўйнади. Натижада ислом ҳуқуқини тадқиқ қилиш, ҳаётда учраши мумкин бўлган ҳар бир воқеа-ҳодисанинг ҳуқуқий асосларини белгилаш ёки кашф этиш мақсадида бошланган ҳаракатлар бутун мусулмон оламини қамраб олди. Шу асосда Мовароуннаҳр Ислом фикршунослиги ва ҳадисшунослиги илмига ўлмас ҳисса қўшди ва уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда моддийлашиши, ижтимоий ҳаёт тартиб-қоидалари сифатида амалиётга жорий этилишида ўчмас из қолдирди. Шунини таъкидлаш лозимки, ислом фикршунослиги ва ҳадисшунослиги илми ва уламолари давлат бошқаруви ва давлат мансабларига танлаш тизимига ўзининг катта таъсирини ўтказди. IX асрга келиб давлат бошқарувининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий, маданий ва бошқа барча соҳаларида ислом муҳаддис ва фақиҳлари томонидан тузилган ва оммалаштирилган тартиб-қоидалар асосида иш олиб бориш анъанага айланди. Шунини қайд этиш жоизки, диннинг давлатга ва давлатнинг динга, давлатнинг халққа ва халқнинг давлат муносабатлари мутафаккирлар томонидан анча кенг ўрганилган [Ravshanov, 2018;].

Ҳуқуқшунос олимлар – Аъзамжон ва Абду-мухтор Раҳмановларнинг қайд этишларича, «ўша даврда яшаган ислом ҳуқуқшунослари ўтмишдошларининг ҳеч қандай ҳукми бўлмаган янги ҳаётий вазиятларни ҳал қилишларига тўғри келган. Улар ҳанафийлик мазҳаби анъаналари ва маҳаллий урф-одатларга асосланиб, турли масалалар юзасидан фатво (қарор, аҳоли томонидан эътироф этилган бундай қарорлар йиллар ўтиши билан шариат қонунларига айланиб борганлар – Р.Ф.) чиқарганлар... Бу фатволарда Мовароуннаҳр аҳолиси турмуш тарзи ва яшаш шароитининг хусусиятлари ўз аксини топган... Манбаларда ислом ҳуқуқининг фароғид (ворислик), мулк, укубат (жиноят ҳуқуқи), муамалат (фуқаролик ҳуқуқи) каби тармоқларига аниқ таъриф берилган» [Раҳманов А., 2007; 211-212 б.]. Жумладан, бу даврда давлат мансабларига номзодлар танлаш масалалари ҳам эътибордан четда қолмаган. Масалан, ал-Мовардий ўзининг «Ал-аҳкам ас-султония» номли асарида шу масалага эътибор қаратади. Мисол учун, қозиликка танлашда у куйидаги етти шартга эътибор қаратирилиши зарур деб ҳисоблайди: қози бўлувчи шахс эркак ва вояга етган бўлиши; комил ақл-фаросатли, ҳар бир масаланинг моҳиятига етувчи, зийрак, ғафлат ва эътиборсизликдан йироқ ҳамда ҳар қандай қийин масалани ҳал қилишда тадбир топа олиш қобилиятига эга бўлиши; озод бўлиши (қул ёки боқи-

манда бўлмаслиги); тўғри сўз, адолатли бўлиши, омонатдорлик, гуноҳ ва ҳаром ишлардан тийилиши, шубҳалардан йироқ бўлиши, ғазаб ва тинч ҳолатида ҳам бир фикр ва мақсадда туриши, дин ва дунё ишларида мурувватли бўлиши; соғ-саломат, кўриш ва эшитиш аъзолари саломат бўлиши; ислом ҳуқуқи соҳаларини ва ислом ҳуқуқининг қонунчилиги асосларини яхши билиши керак. Бу борада илмий изланишлар олиб борган олим З.Жўраевнинг тадқиқотларида ал-Мовардийнинг давлат бошқаруви, мансаблар ва амалдорлик ҳақидаги қарашлари кенг таҳлил этилади [Жўраев З., 2019].

Шунингдек, ўзбек олимлари – академик Б.Валихўжаев, Носир Муҳаммад ва немис олими Улрих Рудольф тадқиқотларида ҳам бу даврдаги давлат бошқаруви раҳбарларини танлаш тизими билан фикхшуносликнинг ўзаро алоқалари тўғрисида кўплаб тарихий маълумотлар таҳлил этилган [Валихўжаев Б., 1994; 20-35 б. Улрих Рудольф., 2001; 94-168 б. Носир Муҳаммад, 2006;].

Ана шу даврда ҳадисшунослик соҳасида етишиб чиққан кўплаб алломалар фақат муҳаддис сифатида эмас, балки файласуф олимлар ва давлат арбоблари сифатида ҳам эътироф этилади. Масалан, Носир Муҳаммаднинг қайд этишича, «Насафда туғилиб ўсган Муҳаммад Нахшабий машҳур файласуф ва шоир бўлиш билан бирга, давлат арбоби бўлиб, Наср ибн Аҳмад Сомонийнинг (914–943 йй.) бош вазири даражасигача кўтарилган. Давлат бошқаруви ва мафкура тизимида ҳам у жуда катта таъсирга эга бўлган» [Носир Муҳаммад, 2006; 26.]. Бурхониддин Марғинович эса Самарқанд шайхулисоми мансабини эгаллашга эришган [Носир Муҳаммад, 2006; 227 б.]. Кўплаб ислом уламлари давлат хизматининг турли даражалардаги мансабларида ишлаган раҳбар шахсларга бевосита маслаҳатчи мақомида турганлар.

Ислом фикхшунослиги ва ҳадисшунослигининг давлат бошқаруви тизимининг, жумладан, давлат мансабларига танлаш тизимининг тараққий этишига таъсири XVI асрнинг охирига қадар давом этди. Унинг илм-фан сифатидаги ривожланиши эса мўғуллар босқинидан сўнг анча сусаяди.

IX–XII асрларда инсон ҳуқуқлари таъминланишини назорат этишга мўлжалланган қатор давлат қонунлари ҳам жорий этилдики, улар баъзи мансабдорларга ўзларидан юқори бўлган амалдорларнинг фаолияти устидан ҳам назорат қилиш ваколатини берар эди. Масалан, Низомулмулкнинг хабар беришича, ҳукмдор Маҳмуд Ғазнавийнинг машҳур лашкарбошиси Али Нуштегин (у 50 минг кишилик мунтазам давлат қўшинининг амира бўлган) давлат ва шариат томонидан ўрнатилган қоидаларни бузиб, бозорга маст ҳолда келганлиги учун мухта-

сиб (ғазнавийлар даврида бозорда савдо-сотик ишларини шариат талаблари асосида бўлишини текширадиган мансабдор) томонидан қаттиқ қалтакланган ва бу ишга ҳатто ҳукмдор ҳам аралаша олмаган [Низомулмулк, 1997; 51 б.].

Умуман, фикхшунослик ва ҳадисшунослик қонунларнинг шаклланишида, унинг воситасида эса давлат бошқарувида оид барча соҳаларда ҳуқуқий асосларнинг юзага келишида ҳам муҳим ўрин тутган.

IX – XVI асрларда эса давлат бошқаруви ишларида мутасаввифлар ва турли ижодкорлар тоифаси ҳам фаол иштирок этганлар. Айниқса, Марказий Осиёда бирин-кетин шаклланган Хожгон-нақшбандия, Кубровия, Яссавия тариқатлари мазкур минтақа аҳолисининг маънавий-ахлоқий, маданий камолотга эришишида муҳим роль ўйнади. Бу тариқатлар жамиятнинг олий табақасидан бошлаб то энг қуйи табақача бўлган тоифаларда ўз мухлисларига эга эди. Улар жамият ва давлат бошқаруви тизимининг маънавий-мафкуравий жиҳатлари тараққиётига муҳим ҳисса қўшдилар. Тасаввуф тариқатлари вакиллари йирик мансабдорлар, ҳатто давлат ҳукмдорлари бошқарув фаолиятига, уларнинг давлат лавозимларида ишлаб туриши, лавозимларга тайинланишида ҳам ўз таъсирини ўтказиш имкониятларига эга бўлганлар. Масалан, Шарафиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, Соҳибқирон Амир Темур саййидлар ва тасаввуф намояндаларига нисбатан юксак эътибор кўрсатган, давлат ишларини юритиш, жумладан, мансабдорларни тайинлаш ишларида ҳам ўз даврининг йирик дин пешволари, жумладан, машҳур тасаввуф алломалари маслаҳатларига қулоқ солган. «Темур тузуклари»да келтирилишича, Амир Темур давлат бошқарувида оид кўп масалаларни ўз пирлари Шамсуддин Кулол, Саййид Барака, Зайниддин Абубакр Тойободийлар маслаҳатлари асосида ҳал этган. «Тузуклар»да Амир Темур Зайниддин Абубакр Тойободийнинг қуйидаги фикрини келтиради: «Абулмансур Темур, салтанат ишларида тўрт насага амал қилгин, яъни: 1) кенгаш; 2) машварату маслаҳат айла; 3) ҳушёрлигу мулоҳазакорлик билан қатъий қарор чиқар; 4) эҳтиёткорлик қил... Яна шуни ҳам билгилким, салтанат ишларининг бир қисми сабру тоқат билан бўлмай, яна бир қисми эса билиб-билмасликка, кўриб-кўрмасликка солиш билан битур. Тадбирлардан огоҳ қилингандан кейин шуни айтиш жоиздирким, қатъийлик, сабр, чидамлик, ҳушёрлик, эҳтиёткорлик ва шижоат билан барча ишлар амалга оширилгай». Пирининг бу насихатлари ҳақида давом этиб, Соҳибқирон Амир Темур шундай фикр билдирган эди: «Бу менга йўл бошловчи янглиғ раҳнамолик қилди. У менга сал-

танат ишларининг тўққиз улуши машварат, кенгаши, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилишини англатди» [Шарафиддин Али Яздий, 1994; Темур тузуклари, 2005; 12-136., 118-120.]. Шунингдек, мутасаввифлар ҳам жамият ва давлат бошқаруви масалаларини ҳал этишда четда турмаганлар. Академик Б.Валихўжаев маълумотларига кўра, те-мурий ҳукмдорлар даврида ҳам бу каби анъаналар давом этган [Валихўжаев Б., 1994;]. Амир Темур салтанатида давлат ва дин муносабатлари характери-га оид мулоҳазалар А.Султоновнинг тадқиқотла-рида ҳам кенг таҳлил этилади [Султонов А., 2015; 2016].

Давлат бошқаруви ишларида турли интеллектуал салоҳият эгалари ва олимларнинг ҳам ишти-рок этганлигини мамлакатимиз тарихида яратиб қолдирилган жуда кўп асарлардан билиш мумкин. Уларда давлат мансабларига тайинлаш ва танлаш билан боғлиқ қоидалар ва қадриятлар ҳақида кў-плаб маълумотлар учрайди. Масалан, Алишер На-воий «Садди Искандарий» достонида ўз идеалида-ги ҳукмдор образини яратар экан, раҳбар шахс учун шарт бўлган қатор хусусиятларни тавсифлаб келти-ради. Мана шу асарда Навоий давлат аҳлини олим-лар, орифлар, обидлар ва омилар гуруҳига бўлади ва ҳар бирининг давлатда тутган ўрни, улар билан муомала (сиёсий муносабатлар) тартибини белги-лаб беради. «Ҳайратул-аброр» асарида ҳукмдор ва раҳбарларга хос бир қанча хусусиятларни танқид остига олса, «Маҳбуб ул-қулуб» асарида подшолар, беклар, ноиблар, вазирлар, садр (мансабдор)лар, ҳарбийлар, шайхулислом, қози, фақиҳлар тўғриси-даги тавсифий-танқидий мулоҳазаларини баён қи-лади. Мутафаккир «Тарихи мулуки аҷам» асарида тарихда яшаб ўтган ҳукмдорлар, давлат арбоблари-нинг ижтимоий фаолиятларидаги ижобий ёки сал-бий сифатлари, иш юритиш услублари ва шахсий раҳбарлик фазилатлари, эзгу ёки ёвуз ишларини таҳлил этса, «Муншаот»да ўз бошидан кечирган ва ўз тажрибасида бевосита кўрган ишлари мисо-лида давлат мансабдорлигига танлашга оид қатор мулоҳазаларини баён этган. Ёки Зайниддин Воси-фийнинг хабар беришича вазир Алишер Навоий мансабдор шахсларни танлашга жуда катта эъти-бор берган. Восифий Навоий томонидан танланган Шайх Баҳлул, Соҳибдоро, Ҳофиз Ғиёсиддин Дех-дор каби бир қатор шахсларнинг танланиш жара-ёнлари ҳақида ёзиб қолдирган [Зайниддин Маҳмуд Восифий, 1979; 91-94, 111-113.].

Шунингдек, ўрта асрлардаги давлат арбоблари ва давлат бошқаруви билан боғлиқ бўлган, давлат мансабларига танлашга доир қоидалар ва қадрият-лар Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг «Сул-тон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти»,

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи сул-тоний», «Ахлоқи муҳсиний», Заҳириддин Муҳам-мад Бобурнинг «Бобурнома», Зайниддин Воси-фийнинг «Бадоеъул вақоеъ» каби, Абу Райҳон Бе-рунийнинг «Жавоҳирнома», Абу Ҳомид Ғаззолий-нинг «Насихат ул-мулук», Муҳаммад Авфийнинг «Жомий ул-хикоёт», Фаҳриддин Али Кошифий-нинг «Латоиф ат-тавоиф», Маждийнинг «Зийнат ул-мажолис», Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбоний-нома», Қози Аҳмад Ғаффорийнинг «Нигористон», Пошшоҳожанинг «Мифтоҳ ул-адл», Мирхонднинг «Равзат ус-сафо», Хондамирнинг «Дастур ул-ву-заро», «Хулосат ул-ахбор» каби асарларида ҳам ўз аксини топган.

XVII асрдан бошлаб Марказий Осиёда давлат мансабларига танлашнинг амалий жиҳатларидаги инкирозлар бу минтақада давлат бошқарув тизими-нинг таназзулга юз тутишига олиб келди. «Аштар-хонийлар даврида марказий давлат ҳокимияти жуда заифлашди, ўзаро урушлар ниҳоятда авж олди... Хуросоннинг катта қисми қўлдан бой берилди. Хоразмда мустақил Хива хонлиги барпо этилди. XVIII аср бошига келиб эса хонлиқнинг шимолий чегараларида Қўқон хонлигига асос солинди» [Саг-дуллаев А., 2000; 174.]. Бир бутун ҳудуднинг майда давлатларга бўлиниб кетиши оқибатида юзага кел-ган тартибсизликлар, ўзаро урушлар давлат манса-бларига танлашнинг миллий тизими ривожининг ҳам тўхтаб қолишига олиб келди. Масалан, Бухоро амирлигида аштархонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида марказий давлат бошқарувида юз берган инкирозлар сабабларини Самандар Термизий, би-ринчидан, зодагон табақалар орасидаги келишмов-чиликлар, иккинчидан, давлат бошқарувидаги ман-сабдорларни тайинлаш ва танлашдаги қусурлар, бу соҳадаги тартиб-интизом, низом-қоидаларга амал қилинмаслигида, деб кўрсатади. Шунини таъкидлаш керакки, Самандар Термизий «Дастурул мулук» асарида ўзи хизмат қилган Бухоро амирлигини улуғлаб, унга қўшни беклик ва хонликларга нисба-тан салбий муносабат билдирса-да, амирликдаги бошқарув тизимида, мансабдорлар тайинлашда рўй бераётган тартибсизликларни, давлат бошқа-рувининг умуман издан чиққанлигини кўрсатиб беради. Шунинг учун ҳам у ўз асари билан олий ҳукмдор – амирга мурожаат қилар экан, раҳбарлик мансабларига номзодларни саралаб олиш, улар-нинг тартиб-интизомини йўлга қўйишга биринчи даражали иш, марказий ҳукуматни мустаҳкамлаш-нинг асосий шарти сифатида қарашни таъкидлаган эди [Ҳожа Самандар Термизий, 1997;].

Умуман, XVII асрдан то XX асрнинг биринчи чорагигача бўлган даврда давлат бошқарувида ман-сабдорлар танлашга доир маълумотларни ана шу

даврд яшаган баъзи шоирлар, давлат, илм-фан ар-бобларининг асарларида, шунингдек, тарихнавислик жанридаги китобларда ва бошқа танқидий-тавсифий асарларда учратиш мумкин. Жумладан, Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр ул-асрор фи манокиб ул-ахёр» («Олижаноб кишиларнинг шон-шавкати ҳақида сирлар денгизи»), Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг «Убайдуллонома», Муҳаммад Юсуф Муншийнинг «Тарихи Муқимхоний», Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк», Хожа Самандар Термизийнинг «Дастур ул-мулук», Муҳаммад Амин Бухорийнинг «Муҳит ут-таворих», Муҳаммад Вафо Карманагийнинг «Тухфат ул-хоний», Сайид Ҳомид Тўра Комёбнинг «Таворих ул-хавонин», Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг «Шажарайи Хоразмшоҳий», Мулло Юнусжон Муншийнинг «Амир лашкар Алимқул тарихи» асарларида давлат ва жамият бошқаруви учун мансабдорларни тайинлаш ва танлаш масалалари кенг ва атрофлича таҳлил этилган.

Туркистонда XVI асрдан бошлаб юз берган сиёсий ва иқтисодий таназзулдан қутулишга интилиш, тараққиёт йўлларини топиш учун курашга XIX аср охири – XX аср бошларига келиб асосан жадиличлик ҳаракати бошчилиқ қилди. Жади́ллар томонидан яратилган илмий, тарихий, бадий, ижтимоий-оммабоп ва бошқа асарларда Туркистон ўлкасининг турли даврларида амал қилган давлат бошқаруви раҳбарларини танлашга доир масалалар ҳам учрайди [Umid M.,2013;].

Миллат зиёлиларининг давлат ва жамият бошқаруви ишларига аралашуви, турли асарлар воситасида давлат мансабларига тайинланиш ва танлашга доир масалаларга нисбатан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб боришлари натижасида ўша даврда давлат бошқарувида мансабдорлар танлашнинг ўзига хос бўлган қатор қоидалари ҳақидаги маълумотлар бизга қадар етиб келган. Мазкур манбалар жамият ва давлат бошқарув тизимидаги мансаб поғоналари ёки тоифалари таркибини ойдинлаштириш билан бирга, мансаб ва мансабдор олдидаги маънавий-ахлоқий қадриятлар ва адолат тамойилларига амал қилиш талаблари ҳақида муҳим маълумотлар ҳам тақдим этади. Уларни эътиборга олган ҳолда давлат ва жамият бошқарувида раҳбарлар танлаш тизимида оид миллий анъаналар ва қадриятларнинг шаклланиш ва ривожланишининг асосий эволюцион босқичларини шартли равишда қуйидагича даврлаштириш мумкин:

– биринчи давр – қадим замонлардан VIII асрга қадар бўлган давр – давлат бошқаруви ва бошқарув тизимида раҳбарлар ва мансабдорларни танлашнинг амалий жиҳатдан шаклланиши даври;

– иккинчи давр – IX – XVI асрлар – давлат бошқаруви ва бошқарув тизимида раҳбар ва мансабдорларни танлаш миллий тизимининг ривожланиши, юксалиши ва бу соҳага доир илмий назариялар ҳамда таълимотларнинг юзага келиш даври;

– учинчи давр – XVII асрдан XX асрнинг биринчи чорагигача – давлат бошқарувида раҳбарлар ва мансабдорлар танлаш миллий тизимининг турғунлик ва таназзулга юз тутиш даври;

– тўртинчи давр – XX аср – 1925–1990 йиллар – давлат бошқарувида раҳбар кадрлар танлашнинг коммунистик тоталитар усулларида ўтилиши ва миллий тизимнинг бутунлай инкор этилиш даври;

– бешинчи давр – XX аср охири XXI аср – миллий мустақиллик шароитида раҳбар кадрлар танлаш ва тайёрлаш миллий илдишларининг тикланиши ва жаҳон тажрибалари билан бойитилиши даври [Alimardonov T., 2005;].

Мамлакат тарихи давлат ва жамият бошқарувида раҳбар кадрлар танлаш тизими асосларининг шаклланиши нуқтаи назаридан таҳлил этилганда, Ватанимиз бу соҳага доир назарий қарашлар ва халқчил амалий тажрибалар дастлабки шаклланиш ва ривожланган заминлардан бири эканлигига амин бўламиз. Бу соҳага доир илмий тадқиқот олиб борган олимлардан Ҳ.Н.Туйчиева, М.М.Қаххарова, М.И.Хужаевлар манбалар ва назарий қарашларга алоҳида ёндашиб тадқиқотлар ўтказиш зарурияти энг етилган долзарб вазифаларга айланганлиги тўғрисида ўз тадқиқотларида қиёсий таҳлилларини беришган [Туйчиева, 2015; Қаххарова,2018; Хужаев, 2015;].

Миллий давлатчилигимиз тарихида раҳбар кадрлар танлаш тизимининг шаклланиши ва ривожланишига доир кўплаб асарлар мавжудлигига қарамадан улар ҳозирги давр нуқтаи назаридан чуқур таҳлил этилгани йўқ. Шунингдек, бу соҳадаги миллий меросни ҳозирги ҳуқуқий давлат қуриш ислохотларида кенг фойдаланиш учун ҳам махсус илмий объект сифатида ўрганиш керак деб ўйлаймиз.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Alimardonov T. T. (2005). Siësat Va Akhloq. – // <https://philpapers.org/rec/ALISVA>
2. <http://journale.auris-verlag.de/index.php/EESJ/issue/view/24/showToc>
3. Ravshanov, Fazliddin (2018) “TOLERANCE: HISTORY AND DEVELOPMENT,” The Light of Islam: Vol. 2018: Iss. 1, Article Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2018/iss1/17>
4. Shakarov, O'ktam (2018) «SPIRITUALITY OF LIDER IN ISLAM LAW,» The Light of Islam: Vol. 2018: Iss. 1, Article 8. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2018/iss1/8>.

5. Umid M. (2016) // https://hosei.repo.nii.ac.jp/?action=pages_view_main&active_action=repository_view_main_item_detail&item_id=13394&item_no=1&page_id=13&block_id=83
6. Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. (2002). Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. –Т.: Тошкент ислом университети нашриёти.
7. Абу Райҳон Беруний. (1968). Танланган асарлар / Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. –Т.: Фан.
8. Абулғозий. (1992). Шажараи турк. –Т.: Чўлпон.
9. Авесто. (2001). Тарихий-адабий ёдгорлик / Асқар Маҳкам таржимаси. –Т.: Шарқ.
10. Азамат Зиё. (2002). Ўзбек давлатчилиги тарихи. Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар. –Т.: Шарқ.
11. Бобоев Ҳ. (2001). Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълимотлар тараққиёти. Ўқув қўлланма. –Т.: Янги аср авлоди.
12. Валихўжаев Б. (1994). Хожа Аҳрор тарихи. –Т.: Ёзувчи.
13. Гумилёв Л.Н. (2007). Қадимги турклар. –Т.: Фан.
14. Жўраев З. (2019). Ал-Мовардийнинг «Ал-аҳком ас-султонийя» асари – мусулмон шарқи давлат бошқаруви тарихига оид муҳим манба (XI аср). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: ЎзХИА.
15. Зайниддин Маҳмуд Восифий. (1979). Бадоеъул вақоеъ (Нодир воқеалар). –Т.: Ғафур Ғулом нашриёти.
16. Каххарова, М. М., & Холмирзаев, Х. Д. (2014). Философское и психо-эстетическое познание цвета. Новый университет. Серия: Актуальные проблемы гуманитарных и общественных наук, (2), 49-52., M Kakhharova-Eastern European Scientific Journal, 2018, Question of Studying Personal Spiritual and Moral Development,
17. Комилов Н. (1998). Вазир қандай бўлиши керак? / Раҳбар ва ходим (тўплам). –Т.: Академия.
18. Комилов Н. (1996). Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1-китоб. –Т.: Ёзувчи.
19. Комилов Н., Жўраев К. (2006). Дин давлат ва жамият. –Т.: Akademiya.
20. Мец А. (1973). Мусулманский ренессанс. –М.: Наука.
21. Мирзо Улуғбек. (1994). Тўрт улус тарихи. Т.: Чўлпон.
22. Насимхон Раҳмон. (1993). Турк ҳоконлиги. –Т.:А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти.
23. Низомулмулк. (1997). Сиёсатнома. –Т.: Адолат.
24. Носир Муҳаммад. (2006). Насаф ва Кеш алломалари –Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.
25. Раҳманов А., Раҳманов А. (2007). Ислом ҳуқуқи. –Т.: ТДЮИ.
26. Сагдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норкулов Н. (2000). Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. –Т.: Академия.
27. Сагдуллаев А., Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи. –Т.: Akademiya, 2006.
28. Саидқосимов С., Аҳмедов А., Аҳмедов Б. Амир Темур жаҳон тарихида. –Т.: Шарқ, 2001.
29. Султонов, А. Ф. (2015). Амир Темур бошқарув маданиятини таъминлашда толерантликнинг аҳамияти. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗМУ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛЛАНИШИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ МУСТАҚИЛ ИНСТИТУТИ МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗМУ ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ, 461.
30. Султонов А. Ф. (2016). Давлат ҳокимиятида демократик бошқарув маданиятининг ривожланиш жараёнлари. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ. – 264 б.
31. Султонов А. Ф. (2017). Бошқарув маданиятининг асосий мезонлари: шарқона ва ғарбона ёндашув. // Шарқшунослик. – Тошкент, 2017. №1. - 103-108 бб.
32. Темур тузуклари.(2005). –Т.: Шарқ.
33. Туйчиева, Х. Н. (2014). Основы повышения правовой культуры в Республике Узбекистан. In Педагогическое мастерство (pp. 139-141).
34. Улрих Рудолф. (2001). Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. –Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси нашри.
35. Хожа Самандар Термизий. (1997). Дастур ул-мулук. –Т.: Ғафур Ғулом нашриёти.
36. Хужаев, М. И. (2015). Некоторые особенности этических взглядов Ахмет-Заки Валидова. Credo new, (2-2), 3-3.
37. Шарафиддин Али Яздий. (1994). Зафарнома. –Т.: Камалак.

